# 2000 ЙИЛ — СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ






Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 143 (9.335) 1999 йил 10 декабрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ДАСТУРИ



Биз XXI аср бўсағасида — янги буюк ўзгаришлар, жамиятимизнинг янгиланиши ва қудратли тараққиёти бўсағасида турибмиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислоҳотлардан асосий мақсад юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Бу стратегик ва дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз мамлакатимизнинг ички ва ташқи аҳволини танқидий кўз билан чуқур таҳлил қилиб, ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур.

Бу устувор вазифалар нималардан иборат?

**Биринчи устувор вазифамиз** -- иқтисодиётимизнинг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасининг барқарор ва узлуксиз яхшиланиб боришини таъминлаш зарур. Бу борада кам таъминланган, муҳтож оилалар ва одамларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда яқин беш йил давомида:

— иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш. Шу билан бирга аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8 -2,0 баробар кўпайтириш;

— миллий пулимизнинг қадрсизланишига қарши қатъий чораларни кўриш ва шулар ҳисобидан одамларнинг реал (амалдаги) даромадини мунтазам ошириш;

— давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга эътиборни кучайтириш;

— бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда ва ажратилган маблағларнинг самарасини оширишда маҳалла жамоатчилигига кенг миқёсда суяниш;

— ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш, шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2005 йилгача бўлган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ишсизлар ва ортиқча ишчи кучларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишга чет эл сармоялари ва ички имкониятларни кенг жалб этиш;

— ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аввало, қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш давлат дастурининг бажарилишини якунига етказиш, 2005 йилга қадар ичимлик сув билан таъминлаш миқдорини 85 фоизга, табиий газ билан таъминлашни эса 82 фоизга етказиш;

— соғлиқни сақлаш ва экологик хавфсизлик соҳаларида қабул қилинган дастурни ҳаётга жорий этиш масалаларини қаттиқ назоратга олиш.

Биз бу ўта муҳим ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун, аввалambор, ислоҳотларимизнинг **иккинчи асосий устувор йўналиши** бўлмиш сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этишимиз мумкин.

**Сиёсий соҳани эркинлаштириш** борасида: аввалambор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш лозим.

**Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш** масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар — ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш.

**Иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш** мақсадида, биринчи навбатда, давлат бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнес ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, шу билан бирга, бозор инфратузилмасини кенг ривожлантириш лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласини доимий диққат марказида тутиш, бу соҳада белгиланган ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини тўла миқёсда амалга оширишга эришиш, энг муҳими, ерни ҳақиқий эгасига топшириш ва меҳнаткаш деҳқоннинг ўз меҳнати самарасидан тўлақонли фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

**Учинчи устувор йўналиш** — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариш, ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш, аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини ошириш борасидаги ишларни давом эттириш лозим.

Шу мақсадда жамиятимизнинг маънавий-маърифий юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган инсонларни, аввало, мактаб, лицей, коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва домлаларини, илму фан соҳасида ишлаётган илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларга керакли моддий шароит туғдириб бериш кўзда тутилади.

**Тўртинчи устувор йўналиш** — кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ. Ўсиб келаётган навқирон авлод, азиз фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг қувончимиз, таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз, деган шиорни амалда рўёбга чиқаришни таъминлашимиз даркор.

**Бешинчи устувор йўналиш** — бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир.

Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

**Олтинчи устувор йўналиш** — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биз янги аср бўсағасида, янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Шу олижаноб, мард ва меҳнаткаш, бағрикенг халқимизнинг бугуни ва ёруғ келажаги йўлида садоқат билан хизмат қилиш — ҳаётимнинг маъноси, умримнинг мазмунидир.

**(Дастурнинг тўлиқ матни Ислом Каримовнинг ''Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда'' рисоласида баён этилган).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АБДУЛҲАФИЗ МАРАҲИМОВИЧ ЖАЛОЛОВНИНГ ДАСТУРИ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг барча амалдаги қонунларига содиқлик, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рўёбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни — кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш, шунингдек, Ватанимизнинг илғор жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидагиларнинг бажарилишини, биринчи галдаги вазифалар сифатида, амалда таъминлаш:

**Сиёсий соҳада**

— давлат ҳокимиятини халқнинг бевосита ва унинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари тимсолида, билвосита назорати остида бўлиши;

— давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, асосан, халқ томонидан, сиёсий партиялардан, сайлаб қўйиладиган депутатлар таркибидан иборат тарзда шакллантириш;

- сиёсий партиялар жамиятдаги мавқеининг, уларнинг намояндалари томонидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, сайловлар натижасида, эгаллаган ўринларидан келиб чиқиб, фарқланиши;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунийлик, партиявий масъулият, назорат ҳамда кафолат асосида қуриш;

— давлат ҳокимиятининг учта — қонунчилик-вакиллик, ижроия, суд тармоғи ва уларнинг марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий идораларининг ўзларининг конституциявий ваколатларини мустақил амалга оширишлари;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, ўзларининг қонунларда белгиланган ваколатларини бажаришдаги, чинакам, жумладан, молиявий-иқтисодий мустақиллиги;

— оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада кучайтириш, пировард натижада, уларнинг масъулиятини фақат қонунлар доираси билан чекланган бўлишлиги;

— энг оддий фуқаронинг овози жамиятда баралла эшитилиши, унинг катта сиёсатга таъсир эта билиш имкониятларининг мавжудлиги;

— барча давлат идоралари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга сўзсиз итоат этишнинг, бундан ҳеч ҳам бўйин товлай олмасликларининг жиддий (етакчи, идора этувчи ва мухолиф сиёсий партиялар фаолиятини тақозо этувчи) мурватларини яратиш;

— жамоат ташкилотлари барча кўриниш ва шаклларининг, халқ оммаси ташкилий уюшқоқлиги тимсоли сифатида, жамият ва давлатни бошқаришдаги фаол иштироки;

— кўзланаётган барча олижаноб мақсадларга эришишнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириш ва ҳ.к.

**Иқтисодий соҳада**

— иқтисодий эркинликнинг шахс, инсон ҳурлиги барча шакл-шамойилларининг дастлабки, туб, ҳал қилувчи асоси бўлишлиги;

— ҳар бир фуқаронинг мулк, унинг шаклидан қатъи назар, соҳиби бўлиш ҳуқуқини рўёбга чиқиш имкониятининг воқелиги;

— кўзланган ҳамма ижтимоий-фойдали ниятларга етишиш, вазифаларни уддалашда булардан ҳар бир кишининг шахсий манфаатдорлигининг ҳисобга олиниши;

— ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолият тури, унинг натижасида етиштирилган маҳсулотни сотиш бўйича нарх-навони мустақил белгилаш ва ундан келган даромадни, фойдани, ўз хоҳишига кўра, тасарруф этиш эркинлиги;

— кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсларда ривож топтириш;

— товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракат қилиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (амалдаги қонунларда кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно);

— иқтисодий ҳаётга оид ишончли ахборий хизмат тизимини жорий қилиш;

— солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш;

— давлат ҳокимияти, бошқаруви ва мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашувига йўл қўймаслик;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча даражалардаги идораларининг, бозор муносабатларини инсоний, ижтимоий йўналиш ўзанларида ривож топиши заминларини яратишдаги аҳамиятини ошириш чораларини кўриш;

— бозор муносабатларининг иқтисодий демократия сифатидаги ривожланишига қаратилган қонунларни қабул қилиш, уларни муттасил ривожлантириб бориш ва ҳ.к.

**Ижтимоий соҳада**

— адолатни қарор топтириш чораларини изчил рўёбга чиқариш;

— аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ҳолатига эришиш;

— ишсизликни барҳам топтириш;

— меҳнатнинг инсон шахсини рўёбга чиқариш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдаги ҳал қилувчилик аҳамиятини ошириш;

— аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ муҳофаза этиш, жумладан, уларнинг пулнинг қадрсизланиши оқибатида даромадларининг пасайишини, энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари ҳажмларини тегишли даражада индексациялаш орқали, оқилона қоплаш;

— жамиятда болалар, ёшлар, хотин-қизлар мавқеини жиддий кўтаришнинг амалий чора-тадбирларини кўриш;

— тиббий ёрдамнинг барча учун мақбул шаклларини вужудга келтириш;

— жамиятда ижтимоий муҳофаза тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий шароит ҳамда заминларини яратиш;

— порахўрлик, тўрачилик, тамагирлик каби барча салбий иллатларнинг пайини қирқиш;

— мулкдорлар синфи, ўрта синфнинг фаол шаклланиши муҳитини вужудга келтириш;

— юқоридагиларнинг ҳаммасини жамиятдаги ижтимоий ва миллатлараро бирдамликни мустаҳкамлашнинг жиддий омилларига айлантириш;

— ижтимоий муносабатларни инсоний негизларда ривожланишининг қонуний-ҳуқуқий пойдеворини муттасил яратиш ҳамда ривожлантириб бориш ва ҳ.к.

**Маънавий соҳада**

— жамиятни, миллий яхлитлик ва халқнинг ижтимоий муштараклигини инсон шахси баркамоллигига эришишнинг макони, воситасига айлантириш;

— жамиятда миллий, шарқона ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига ҳамда уларга риоя қилинишига эришиш;

— ислом дини ва бошқа динларнинг тарбиявий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик;

— тарихга, миллий-маданий, маънавий меросга ҳурмат руҳини қарор топтириш;

— илм-фан, таълим ва маърифатнинг, шунингдек, мазкур соҳаларда меҳнат қилувчи олим, мураббий ва тарғиботчиларнинг ижтимоий мавқеини беқиёс кўтариш;

— барча фуқароларни умумжаҳон, Шарқ халқлари ва миллий маданият дурдоналари, ютуқларидан баҳраманд қилиш имкониятларини муҳайё этиш;

— маънавият, ақл-заковат ва билимлиликнинг ҳамма соҳаларда раҳнамо бўлишлиги ҳамда ҳар бир кишининг бундай фазилатлар соҳиби эканликдан шахсан манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва ҳ.к.

**Ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик ҳамда мудофаа соҳасида**

— Ўзбекистоннинг барча узоқ ва яқин, хусусан, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан миллий манфаатларимизга мос, ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш;

— минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорлик учун зарур саъй-ҳаракатларни доимий равишда амалга ошириш;

— мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва халқнинг осойишталигини асраб-авайлашга, уларга зиён етказишга йўл қўймайдиган даражадаги, махсус тайёргарлик ҳамда замонавий ҳарбий техника, аслаҳага эга Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик ва ички хизмат тизимларининг узлуксиз шайлиги ва ҳоказо.

* * *

Юқоридагилар, уларнинг амалий ижроси, асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқининг фаровонлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг азалий шон-шуҳратининг қайта тикланишига ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖИЗЗАХЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

9 декабрь куни Жиззах шаҳрида Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Жиззах вилояти меҳнаткашлари, хўжалик раҳбарлари ва тадбиркорлар, ғаллакорлар ва чорвадорлар, хотин-қиз ва зиёлилар, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси Хидир Шукуров очди. Сўнгра номзоднинг ишончли вакили, Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиёдов сайловчиларни Президентликка номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. У Президентликка номзоднинг мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш, миллий ўзбек давлатчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, тарихий ҳақиқат ва миллий анъаналаримизни тиклаш, кучли ижтимоий сиёсат, тамомила янги ўзига хос таълим тизимини яратиш, жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар устуворлигини, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш, тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширишдаги улкан хизматларини қайд этди. Жиззах вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда Ислом Каримовнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги борлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов сайловчилар ҳузурида нутқ сўзлади. Ислом Каримов Жиззах вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мазкур воҳада ислоҳотлар изчил давом этаётганлигидан далолат беришини таъкидлади.

Нотиқ Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга яқинда ўтказилган сайловларга муносабат билдириб, халқимиз тафаккурида рўй берган ижобий ўзгаришлар тўғрисида сўз юритди. Жиззахнинг азалдан буюк зотларга бешик бўлганлиги хусусида, вилоят заминида жуда катта имкониятлар мавжуд эканлиги, уларни ишга тушириш учун яна нималарга эътибор бериш лозимлиги борасида амалий ва ҳаётий таклифларини айтди.

Жумладан, вилоятдаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигидаги сув танқислиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги вазифаларга эътиборни қаратди.

«Жиззах халқининг ҳурматини жойига қўйсангиз, жонини беради».

Ислом Каримовнинг бу даъвати сайловчилар томонидан катта эҳтиром билан қабул қилинди.

Шундан сўнг сайловчилар сўз олишди. «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, шоира Сайёра Тўйчиева, Жиззах олий авиация билим юрти взвод командири Шокир Холиқов, Жиззах тиббиёт билим юрти талабаси Барно Қодирова сўзга чиқиб, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини, юрт озодлиги ва ободлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини Ислом Каримов сиймосида кўришларини, шу боисдан ҳам 2000 йил 9 январь куни якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан унга овоз беришларини билдирдилар.

*Мусулмон НАМОЗ, (ЎзА)*

## СОҒЛОМ АВЛОД — ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ

8 декабрь — мамлакатимиз Асосий Қонуни — Конституция қабул қилинган кун ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Халқимизнинг эъзозли байрами бу йил юртимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кўтаринкилик билан ўтган вақтга тўғри келди. Фуқароларимиз Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб, катта умид ва ишонч билан ёрқин келажакни кўзлаб, ўзлари муносиб деб топган номзодларга овоз берди.

7 декабрь куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг етти йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ерга Тошкент шаҳар жамоатчилиги фаоллари, пойтахтимиз меҳмонлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари йиғилди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Республика инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов Ўзбекистон Конституциясининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ва дунё миқёсида тутган ўрни ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг замирида Конституциямиз — буюк ҳаёт қомусимиз турганлигини алоҳида таъкидлади.

— Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги конституциялардан мутлақо фарқ қилиши ҳақида сўз борар экан, биз аввало унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутганини, Асосий Қомусимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб қўйгани ҳақида гапиришимиз керак, — деди жумладан Ислом Каримов. — Лўнда қилиб айтганда, эски замондан қолган, онгимизга, шууримизга ўрнашган асоратлардан воз кечиб, бир тушунчани аниқ англаб олишимиз даркор. Яъни, давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши, янгиланиши йўлида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг пировард мақсади — аввало инсон манфаатига, инсонга ва халққа хизмат қилишдир.

Маълумки, ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифалардан деб белгилади. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Зеро, мамлакатимизнинг келажаги соғлом ва маънавияти юксак авлод қўлидадир.

Шу боис Президентимиз Ислом Каримов эзгу орзу-ниятларимизнинг узвий давоми сифатида 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилиш қатнашчилари томонидан гулдурос қарсаклар билан қарши олинди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, 1998 йил — Оила йили, 1999 йил эса Аёллар йили деб эълон қилинган эди. Бу тадбирлар фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий онгини, дунёқарашини ўстириш билан бирга, уларнинг манфаатларини умуминсоний қадриятлар асосида янада кенгроқ ҳимоя қилишга, жамиятда қонун устуворлигининг таъминланишига кўмаклашди. 2000 йилнинг Соғлом авлод йили, дея эълон қилиниши эса, шубҳасиз, ушбу хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлади.

— Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади, — деди йўлбошчимиз.

Тантанали йиғилиш Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий ҳаваскорларининг катта байрам концерти билан якунланди.

*(ЎзА).*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

**Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак Ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг 2000 йилги Ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Зиёратчилар рўйхати фуқароларни ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузилсин.

2. 2000 йил Ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита (Ф. Собиров) ёрдам кўрсатсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (А. Рўзметов) 2000 йил март-апрель ойларида зиёратчиларнинг Жидда шаҳрига бориб-келишлари учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг ҳаражатларини камайтириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов), Давлат божхона қўмитаси (Ў. Комилов) Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўрикдан ўтказишни, Ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан Ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З. Мирхўжаев) Ўзбекистон Мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан Ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1380 (бир минг уч юз саксон) АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори конвертация қилинсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

9. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак Ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидаси, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

***Вазирлар Маҳкамаси Раиси***

***И. КАРИМОВ.***

Тошкент шаҳри,
1999 йил 7 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 2000-2005 ЙИЛЛАРДА ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАРНИ, ПЕНСИОНЕРЛАР ВА НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

**Ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминот ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш юзасидан эҳтиёжларини янада тўларoқ қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бошқарувнинг барча даражаларида тасдиқланган дастурни сўзсиз бажариш бўйича топшириқларнинг масъул ижрочилари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари корхоналар ва ташкилотларнинг келишилган ҳолдаги фаолиятини назарда тутувчи мувофиқлаштирувчи иш дастурлари ишлаб чиқилишини таъминласинлар;

дастурнинг бажарилишини ва ёлғиз кексаларга, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини, уни яхшилаш юзасидан тегишли қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда мунтазам равишда кўриб борсинлар — йилнинг ҳар чораги якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 10-кунигача ҳисобот даврида дастур топшириқларининг амалга оширилиши якунлари тўғрисидаги таҳлилий ахборот Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили инвестиция дастурини ва бюджетни шакллантиришда ижтимоий таъминот тизими объектларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, кексалар ва ногиронлар интернат уйларини анжомлар билан жиҳозлаш учун зарур капитал сармоялар ва маблағларни назарда тутсинлар. Бунда ушбу мақсадларга ҳомийлар маблағларини кенг жалб қилиш кўзда тутилсин.

Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва компаниялар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳайрия жамғармалари дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда ҳар томонлама ёрдамлашсинлар.

4. Моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш учун қўшимча маблағлар жалб этиш мақсадида кексалар ва ногиронлар интернат уйларига, реабилитация марказларига уларнинг пулли хизматлар кўрсатишига, ҳомийлар, инвесторлар маблағларини, шу жумладан хорижий ҳомийлар ва инвесторлар маблағларини ҳам жалб қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишига рухсат берилсин.

5. Мурувват ёрдами республика комиссияси (Х. Кароматов) интернат уйларни ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг бошқа тиббиёт-ижтимоий муассасаларини республикага мурувват ёрдами йўли билан келаётган дори-дармонлар ажратиладиган ташкилотлар ва муассалар рўйхатига киритсин.

6. 2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ишларини муввофиқлаштириш, шунингдек, дастур топшириқларининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг умумиқтисодиёт комплексига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг умумиқтисодиёт комплекси дастурнинг бажарилишини мунтазам равишда таҳлил қилиб борсин ҳамда унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

7. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

***Вазирлар Маҳкамасининг Раиси***

***И. КАРИМОВ.***

Тошкент шаҳри,
1999 йил 7 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# ИМОМ АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1130 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фиқҳ оламининг равнақига улкан ҳисса қўшган йирик аллома, буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий илмий-диний меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги беқиёс ўрни ва мамлакатимиз кенг жамоатчилиги таклифларини ҳисобга олиб ҳамда ушбу меросни авайлаб-асраш, қадрлаш ва жамиятнинг баркамол кишиларини тарбиялашда ундан оқилона фойдаланишга шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва жамоат ташкилотларининг 2000 йилда Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари режаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Самарқанд вилоят ҳокимлиги билан биргаликда:

Самарқанд вилоятининг Регистонга туташ Чокардиза қабристонидаги Имом ал-Мотуридий мақбарасини реконструкция қилиш;

мамлакат ҳудудидаги Имом ал-Мотуридий номи билан боғлиқ қадамжолар, обидалар рўйхатини аниқлаш ва уларни таъмирлаш-консервация қилиш бўйича белгиланган тартибда таклиф тайёрласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Имом ал-Мотуридий асарлари ҳамда унинг ҳаёти ва ижодига оид нашрларни ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида чоп этишни нашриётлар режасига киритсин.

5. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган почта маркалари ва хатжилдлари чиқарсин.

6. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари Имом ал-Мотуридий ҳаёти ва илмий фаолиятини, юбилейга тайёргарликнинг боришини кенг ёритсинлар.

7. Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш жараёнида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, ҳомийлик қилиш истагини билдирган хорижий ташкилот ва жисмоний шахсларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақидаги таклиф-истаклари қўллаб-қувватлансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

***Вазирлар Маҳкамасининг Раиси***

***И. КАРИМОВ.***

Тошкент шаҳри,
1999 йил 9 декабрь.

*Махсус «Оқшом» учун*

**Муҳаммад Саййид ТАНТОВИЙ:**

# «ЎЗБЕКИСТОН БИЗ УЧУН БИРОДАР ЮРТ»

***Ўтган ҳафтада Миср Араб Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамловчи муҳим воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бутун Ислом оламида жуда катта нуфузга эга энг қадимий таълим ва илм-фан масканларидан бири бўлмиш Қоҳирадаги «Ал-Азҳар» мажмуасининг шайхи, бош имом Муҳаммад Саййид Тантовий бошчилигидаги делегация уч кун давомида мамлакатимизда меҳмон бўлди.***

Шуни айтиш керакки, Муҳаммад Саййид Тантовий ислом илми бўйича курраи заминимиздаги энг иқтидорли олимлардан саналади. У Қуръоннинг энг мукаммал тафсирларидан бирини яратган. «Ал-Азҳар» мажмуасининг шайхи сифатида эса Мисрнинг бош вазири мақомига эга.

Ушбу ташриф мисрлик юқори мартабали меҳмонлар учун ниҳоятда мазмунли кечди. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ташқи ишлар вазирлигида бўлдилар. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фаолияти билан танишиб, унинг кутубхонасида сақланаётган жуда ноёб Усмон Қуръонини кўрдилар. Кўкчадаги «Шайх Зайниддин» жоме масжидида йиғилган мусулмонлар билан бирга жума намозини ўқидилар.

Айниқса, Муҳаммад Саййид Тантовий бошчилигидаги делегациянинг Тошкент Ислом университети мураббий ва талабалари билан учрашуви унутилмас таассуротларга бой бўлди. Учрашув чоғида Тантовийга олий ўқув юрти илмий кенгашининг қарорига мувофиқ Тошкент Ислом университетининг биринчи Фахрий доктори унвони берилиб, унга махсус шаҳодатнома топширилди. У Тошкент Ислом университетининг ўқув ва компьютер хоналари, ўқитиш тизими билан танишиб, бу ерда араб тилини ўқитиш бўйича Миср маркази очилганлигидан мамнуният билдирди. Учрашувда Тошкент Ислом университети ва «Ал-Азҳар» университетлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, илмий адабиётлар, ўқитувчиларнинг ташрифларини амалга ошириш борасида яхши ният аҳдномаси имзоланди. Учрашув сўнгида эса Муҳаммад Саййид Тантовий Тошкент Ислом университети кутубхонасига талабаларга қўл келадиган Ислом дини, тарихи, маданиятига оид ҳамда араб тилини ўрганишда асқотадиган бир қанча илмий-маърифий адабиётларни тақдим этди.

— Ўзбекистон биз учун биродар юрт, — деди жумладан Муҳаммад Саййид Тантовий Тошкент Ислом университетидаги учрашув чоғида. — Алоқаларимиз кеча ва бугун пайдо бўлган эмас — улар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу юрт фарзандлари Ислом динини ривожлантириш, умуминсоний маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган. Чунончи, Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» асари ислом оламида жуда мўътабар манба ҳисобланади. Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби юртингиз фарзандларини Араб мамлакатларида жуда қадрлайдилар.

Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар кишиларни меҳр-мурувватга, бирдамликка чақиради. Бизлар ўзаро сафдош бўлишимиз ва бир-биримизга меҳр-муҳаббат руҳида ҳамкорлик қилишимиз лозим.

Самарқанд шаҳридаги қадимий ёдгорликлар, хусусан Имом ал-Бухорий мажмуаси билан танишган делегация аъзолари Ватанларига жўнаб кетдилар. Сафар сўнгида шайх Муҳаммад Саййид Тантовий Ўзбекистон заминидан олган таассуротлари бир умр унутилмаслигини қайд этди.

***Дилшод ИСРОИЛОВ.***

*Долзарб мавзуда*

# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

***Бу сарлавҳани бежиз танламадик. Қуйида битилган мақоламизнинг бутун мазмун-моҳияти, мақсади ана шунга йўналтирилган.***

Эрталабки тонг манзарасини кузатиб, субҳи сабога юз тутганмисиз? Агар кузатган бўлсангиз йилнинг тўрт фаслида ҳам эрта тонгнинг файзи ва тароватти ўзгача бўлади. Ажиб бир ҳис бутун вужудингизни чулғаб олади. Мусаффо ҳаво, қандайдир сархуш ҳид димоғингизга урилиб, танангизга куч-қувват бағишлайди. Лаҳзада кайфиятингиз кўтарилиб, ўзингизни бардам сезасиз. Энг муҳими мана шу хушнуд руҳ кечгача сизни тарк этмайди, асабларингизни бир қадар жиловлаб туради.

Қаранг, «Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб»да! Қарияларимиз барвақт туришнинг хосияти ҳақида, унинг киши соғлиғига фойдалиги хусусида хўб билиб, синаб, кўриб айтишган экан. Назаримизда «Тани соғлиқ — туман бойлик» деган иборанинг пайдо бўлишига бирламчи мана шу тажриба туртки бўлган бўлса не ажаб.

Ривоят қилишларича, емай-ичмай, фақат бойлик қули, зар гадоси бўлган хасис киши охир-оқибат боши ёстиққа текканда умр бўйи ардоқлаб, орттирган бойлигини биргина соғлиққа алмаштиришга рози бўлган экан.

Дарҳақиқат, тани соғлиққа нима етсин. Президентимизнинг халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккур маҳсули бўлмиш Конституция кунида сўзлаган нутқларида яхши ният ва эзгу мақсадлар билан қадам қўяётганимиз 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилишларининг боиси ҳам ана шунда.

Бизда бир яхши қараш бор. Ҳамиша янги йил, янги ният, истак, орзулар олдидан ўтган давр — йилимизга назар ташлаймиз, ютуқ ва камчиликларимизни сарҳисоб қиламиз. Шу жиҳатдан олганда Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили деб аталган йилларимиз ҳар жиҳатдан самарали ўтди, дейишга тўла асослимиз. Чунки бу тадбирлар фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий онгини, дунёқарашини ўстириш билан бирга, уларнинг манфаатларини умуминсоний қадриятлар асосида янада кенгроқ ҳимоя қилишга, жамиятда қонун устуворлигининг таъминланишига кўмаклашди. Бўсағада турган Соғлом авлод йилимиз эса ҳеч шубҳасиз ушбу хайрли ишларимизнинг мантиқий давоми бўлади. Зеро, бугунги кунимизда соғлом авлод масаласини долзарб вазифа сифатида ўртага қўяётганимиз ҳам бежиз эмас. Сабаби, истиқболимизнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ баркамол, соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилди. Шу ниятда «Соғлом авлод учун» ордени жорий этилди. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ташкил топди.

Келинг, биргалашиб мулоҳаза юритайлик. Жамиятимиздаги бугунги янгиланишлару иқтисодий-сиёсий ўзгаришларнинг ижодкори, амалга оширувчиси ким? Соғлом фикрловчи инсон эмасми?! Бўлажак, буюк ишларни, улкан режаларни кўзлаган, лекин ниҳоясига етказолмаган орзуларни рўёбга чиқарувчилар ким? Соғлом авлодлар эмасми? Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг яратилишидан асосий мақсад ҳам шундан эмасмиди?

Президентимиз ўз нутқларида соғлом авлод деганда нимани тушунасиз, ушбу ғоя орқали олдимизга қандай мақсадларни қўямиз, деган саволлар ечимини оддий тил билан, бениҳоя тушунарли қилиб изоҳлаб бердилар.

**«Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон, эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади».** Бу сўзларда йилимизнинг бутун шакли-шамойили, унинг мазмуни тўла мужассам топган.

Аслида инсон зоти мукаммал яратилади. Бизга Оллоҳ Таоло шундай мўъжизани ато этган. Бу қандай надоматки, баъзида билиб-билмай қилинган куфурлик, ножўяликларимиз билан бу гўзалликни ўзимиз бузамизда, кейин умр бўйи қилмишимиздан афсусланиб юрамиз. Гоҳо ўзимизга тасалли бериб, шунисига ҳам шукур деймиз. Ҳарқалай бу мисолдан ўзгалар ибрат олиб, тегишли хулоса чиқарадиларку, деган хаёлга борамиз.

Шу ўринда биз тан олишимиз лозим бўлган бир ҳақиқат ҳам бор. Бу — ҳар қандай шароиту ҳолатда ҳам қалбимизда инсоф-диёнат борлиги, фарзандларимизни соғлом кўриш истаги мавжудлигидир. Оллоҳдан шуни тилаймиз. Чунки инсоф тушунчаси, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб, юракларимизнинг қат-қатига сингиб кетган. Ҳамма гап мана шу орзуга садоқатли бўлишда, уни рўёбга чиқаришда масъуллик ҳиссини унутмасликда қолган. Бу садоқат ва масъуллик ҳисси кишиларни ҳамиша хушёрликка ундаб туради. Ичкилик иллатидан, гиёҳвандлик касофатидан, ҳирсий бузуқлик каби инсоният бошига битган бу бало-қазолардан нари юришга чорлайди. Асл ўзбекона одатда дуога қўл очилганда, юртга тинчлик, одамларга инсофу товфиқ, ёшларга бахт-саодат тиланишининг моҳияти ҳам шунда.

Хизмат тақозоси билан Бухорода бўлганимизда бир хонадонда қўноқ бўлдик. Унинг эгаси озғин, соқоллари бетартиб ўсиб кетган, қорайиб униққан киши кўринишидан тунд бўлса ҳам, анча сўзамол, меҳмондўст чиқиб қолди. Ўзимизча 70 ёшни чамалаб турган бу мезбон эндигина 50 ёшга тўлган экан.

— Мени ичкилик қаритди, хароб қилди, — дейди у афсус-надомат билан. — Олий маълумотлиман. Тузуккина ишлаб турган жойим бор эди. Шу касофатга ружу қўйдиму ҳаммасидан мосуво бўлдим. Энг ёмони уччала фарзандим майиб-мажруҳ, хаста туғилди. Уларнинг ҳаммаси ногиронлар уйида тарбияланишади. Аёлим мени инсофга чақирачақира юз ўгирди, бу уйни бутунлай тарк этди. Бир йилдан бери хастаман. Куним битиб, оламдан ўтсам, на бир бел боғлаб, тобутимнинг олдига тушадиган меҳрибоним, на бир қабрга қўядиган ҳамкорим йўқ. Кечалари билан худога нола қилиб, «бошимга тушган бу савдони ўзгаларга раво кўрма», деб чиқаман. Хотиним, болаларимни қўмсайман. Лекин уларга етолмайман.

Ичкилик домига учраган бу инсоннинг қисмати ғоят ачинарли эди. У тўлиб-тошиб йиғлади, ўтмишини лаънатлади, қилмишидан минг бора пушаймонлигини дард-алам билан тушунтирди. Афсуски, кеч, мутлақо иложсиз хатога йўл қўйилган эди. Ичкилик қурбони бўлган бу оила ва айниқса, фарзандлар тақдири анча вақтгача бизни ҳам ўйлантириб қўйди.

Бугун шу ҳақда фикр юрита туриб Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини эслайман. **«Соғлиғи ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди. Шу маънода аёлларни, оналарни асраш керак дегани — бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир».** Чиндан ҳам аёлини асраган, эъзозлаган оилада соғлом фарзанд туғилади. Ота-она аҳил оилада, соғлом гўдак кулгуси янграйди. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз чуқур англамоғимиз ва унга умр бўйи риоя қилмоғимиз лозим бўлади.

Қадимда бизда бир чиройли урф — фарзанд туғилиши билан бир туп ниҳол экиш одати бор эди. Афсуски, бу анъана анча вақтгача бизни тарк этгандек кўринди. Мустақиллик шарофати ила барча қадриятларимиз қатори бу рамзий одатимизнинг ҳам қарор топаётганлиги қувончлидир албатта. Президентимиз шу ҳақда ҳам тўхталиб, одамлар истиқомат қиладиган ҳар қайси жойда чақалоқ дунёга келиши билан унинг ота-онаси, ўз яқинлари, ёру биродарлари билан биргалашиб, шу жойларнинг энг кўзга кўринган ерида беғубор гўдакка атаб яхши ният, орзу-умид билан дарахт экиш ва бу тадбир халқимизнинг одатига айланиб, ҳар бир экилган дарахт ҳаёт абадийлигининг тимсоли бўлиб қолажагини алоҳида уқтириб ўтдилар. Дарҳақиқат, бу инсоний интилишларда миллатимизнинг баркамол авлод ҳақидаги орзу-умидлари ўз аксини топган. Бир сўз билан айтганда, ўзбекнинг ҳамма орзу-ҳаваслари-да, ҳаётининг мазмунида, фарзандларининг келажаги, бахту саодати билан боғлиқлик мақсадларини кўрамиз. Ният холис мақоламизни Юртбошимизнинг ушбу сўзлари билан мухтасар этишни лозим деб билдик. **«Мени доимо қийнайдиган, тинчлик бермайдиган орзу-ниятим, керак бўлса, Худодан сўрайдиган энг катта илтижоим шуки, бетакрор гўзал саховатли, Оллоҳнинг назари тушган мана шу юртда албатта ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, қадди-қомати билан, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшаши керак».**

***Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.***

# ДАВР САДОСИ

Тошкент оқшоми

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресселни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

◆ Марказий сайлов комиссиясида Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов билан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Мадлен Вилкенс учрашди. Учрашув пайтида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар қизғин, уюшқоқлик ва демократик тамойиллар асосида ўтгани таъкидланди.

◆ **Бугун** Россия Федерацияси Бош вазири В. Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи бошланади.

◆ **Бугун** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун.

◆ **Бугун** Наманган вилоятида Халқаро Ибн Сино номидаги жамғарма ташаббуси билан ташкил этилган саломатлик декадаси бошланади.

◆ **Бугун** Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикасида 1999—2005 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури»нинг тақдимоти ўтказилди.

◆ **Бугун** Миллий матбуот марказида яқинда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган халқаро стоматологлар конгрессида қатнашган ўзбекистонлик иштирокчилар билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

◆ **Бугун** Тошкент шаҳар ҳокимлигида банкротлик масалаларига бағишланган навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтади.

◆ **Кеча** Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида Эркин Хушвақтовнинг машҳур «Чимилдиқ» саҳна асари 200-маротаба намойиш этилди.

◆ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида халқаро алоқаларни мустаҳкамлашни бош мақсад қилиб қўйган талабаларнинг «Интерком» клуби ташкил этилди.

## ЖАҲОНДА

◆ **Бугун** Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг Хитойга қилган ташрифи ниҳоясига етади. Ташриф чоғида у мамлакатнинг олий раҳбарлари билан учрашиб, улар билан музокаралар олиб борди. Ташриф якунлари бўйича бир қатор ҳужжатлар, шу жумладан чегара масалаларига оид ҳужжатлар имзоланди.

◆ Арманистон Бош вазири А. Саркисян Москвада Россия Федерацияси Бош вазири В. Путин билан икки кун мобайнида икки мамлакат ўртасидаги бундан буёнги ҳамкорлик қилиш йўллари хусусида музокаралар олиб борди.

◆ **Бугун** Хельсинкида Европа Иттифоқининг жорий йилдаги сўнгги саммити очилади.

◆ Грузия парламенти Россиянинг Чечениcтондаги ҳаракатларини қаттиқ қоралайдиган баёнот қабул қилди.

◆ **Бугун** Аргентина Президенти Карл Менем ўз ваколатларини янги Президент Ф. Делариага топширади.

◆ Украина Президенти Леонид Кучманинг Вашингтонга қилган амалий ташрифи якунланди. Бу ерда у Америка — Украина давлатлараро «Кучма — Гор» комиссиясининг мажлисида қатнашди. Украина раҳбари шунингдек АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди ва у билан музокаралар олиб борди.

◆ **Бугун** очиладиган Тожикистон парламентининг навбатдаги сессиясида сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси кўриб чиқилиши керак. У доимий асосларда фаолият кўрсатадиган икки палатали профессионал парламентни яратишни кўзда тутади.

◆ Туркманистон парламенти ўзининг яқин ўртада бўладиган мажлисида иккита масалани — республикада кўп хотинлиликка оид ва С. Ниёзовни умрбод мамлакат Президенти этиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқмоқчи.

◆ **Бугун** БМТ ташаббуси билан Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари куни нишонланмоқда.

